

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

АСҚАРОВА ЖАМИЛАХОН БАХОДИРОВНА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЧИЛИГИ ВА ЭРТАК НАШРЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Асқарова Жамилахон Баходировна

Ўзбек халқ эртакчилиги ва эртак нашрларининг қиёсий тадқиқи...3

Асқарова Жамилахон Баходировна

Сравнительное изучение сказительства и изданий узбекских
народных сказок..... 25

Asqarova Jamilakhon Baxodirovna

Comparative study of Uzbek folk tales and tale publications..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work.....50

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИСТИТУТИ

АСҚАРОВА ЖАМИЛАХОН БАХОДИРОВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЧИЛИГИ ВА ЭРТАК НАШРЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Fil469 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **ТурдимовШомирза Ганиевич,**
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Мирзаева Салима Райимжоновна,**
филология фанлари доктори, профессор

Тилавов Абдимурод Холмуродович,
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Давлат**
адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Тўхлиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., проф.

Л.Худайкулова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ж.Эшонқулов
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида эртақчилик анъаналари, профессионал эртақчилар репертуари дастлаб этнографик, психологик нуқтаи назардан ўрганилган бўлса, кейинчалик эртақ назарияси ва эпик ижод табиатини тадқиқ этувчи илмий концепциялар юзага келиб, ривожланди, муайян натижаларга эришилди. Шу концепциялар асосида эртақчиларнинг репертуари, эртақ ижрочилигининг ўзига хос хусусиятлари, эртақчилик анъаналарида маросимларнинг ўрни, эртақчи ижодига худудий факторларнинг таъсири, профессионал эртақчилик, халқ эртақларининг ёзиб олинishi ва нашрлари каби масалаларни ҳар томонлама тадқиқ этишга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши халқ эртақларининг инсоният бадий тафаккури тадрижидаги ўрни ва ҳар бир шахс камолотидаги миссиясини аниқ белгилашга, баҳолашга замин яратади.

Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди тараққиётига янги усул, шаклларнинг кириб келиши, айниқса, эртақ сюжетлари, мотивлари, эртақчилик анъаналарининг қайта идрок этилиши, янгича талқинга учраб, инсоният маънавий эҳтиёжлари йўлида хизмат қилиши халқ эртақлари, профессионал эртақчилик, эртақ нашрлари ва эртақ оламига бўлган қизиқишни янада орттирмоқда. Ижодий имкониятлар сарҳадининг кенгайиши креатив ечимларнинг кириб келишига туртки бермоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, соҳада амалга ошаётган илмий изланишларнинг долзарблигини кўрсатади. Зеро, инсоният бадий тафаккурининг янада такомиллашуви, ривожланишида муҳим ўрин тутувчи эртақчиликнинг миллий ўзига хос жиҳатларини кенг тарғиб қилиш, илмий тадқиқ этиш нафақат муайян соҳа, балки бутун халқ ижодиёти моҳиятини ва шу орқали инсон руҳияти, ижод жараёнлари хоссаларини ёритишга, асар мазмун-мундарижасини теран англаб этишга хизмат қилади.

Ўзбек фольклоршунослигида маънавий қадриятлар тизимининг ажралмас қисми бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарида, хусусан, эртақларда халқнинг тафаккур жараёни, оламини эстетик идрок этиш тарихи, яшаш тарзининг мавжуд босқичлари, урф-одатлари, ахлоқий қарашлари мукамал кўринишда бадий акс этади. “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир”¹. Шу нуқтаи назардан эртақчилик, унинг ижро жараёни, турлари, шакллари, ижронинг ижрочи-тингловчи психологиясига таъсири ва акс таъсири, эртақчи шахси, ижродаги бадиҳагўйлик, профессионал эртақчи, эртақчилик мактаблари, эртақларнинг ёзиб олинishi, нашрлари, эртақ матнидаги барқарор формулалар ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

бошқа поэтик санъатлар билан боғлиқ назарий масалаларни фундаментал тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг долзарб илмий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 сентябрдаги ПҚ-798-сон “Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида эртак жанри муаммолари Е.М.Мелетинский, Карнаухова, Д.Н.Садовников, Н.Е.Ончуков, Д.К.Зеленин, М.Азадовский, А.Никифоров, ака-ука В.Ю.Соколовлар монографияларида асосий объект бўлган ва бу олимлар ўз танлаган мавзулари қамровида эртак жанрига тўхталганлар². Хусусан, В.Я.Пропп асарларида эртаклар семантикаси, миф ва эртак масалалари, бир қатор мотивлар генезиси ва тарихий тараққиёти каби масалалар атрофлича тадқиқ этилган³. Ижрочилик қоидалари, анъанавий формулалар ва уларнинг функцияси, турлари каби масалалар Н.Рошияну томонидан ўрганилган⁴.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам эртак жанри бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Б. Каримов, М.Афзалов, К.Имомов,

²Садовников Д. Н. Сказки и предания Самарского края / Записки РГО по отделу этнографии, т. XII. - СПб., 1884; Ончуков Н. Е. Северные сказки / Записки РГО по отделению этнографии», СПб., 1908, отдельный выпуск – 1909 (введение); Зеленин Д. К. Великорусские сказки Пермской губернии. С приложением 12-ти башкирских сказок и одной мещеряжской. – Пг., 1914; Соколовы В. и Ю. Сказки и песни Белозерского края. - М., 1915; Азадовский М. Сказки Верхнеленского края. - Иркутск, 1925; Описание сказочницы Н. О. Винокуровой. Никифоров А. Сказка, ее бытование и носители / Капица О. И. Русские народные сказки. – М.– Л., 1930.

³Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1946. – 340 с; Ўша муаллиф. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969.

⁴Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М.: Наука, 1974.

Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ғ.Жаҳонгиров, А.Мусақулов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Н.Дўстхўжаева, З.Расулова, Ш.Назарова ва бошқалар эртак жанрини махсус ўрганганлар⁵. Эртак айтиш тартиби ва эртакчилар ҳақида Т.Мирзаевнинг “Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари” номли мақоласида эртакчилик анъаналарини сақлаб келаётган эртакчилар ва уларнинг турлари ҳақида баён этилади⁶. М.Муродовнинг “Ҳаётбахш хаёллар” номли рисоласида мамлакатимизнинг турли жойларида яшаб ўтган эртакчиларнинг ижро маҳорати ҳақида сўз боради⁷. З. Хусайнова фольклор экспедициялари жараёнида профессионал эртакчи Абдуғофур Расулов ҳақида қимматли маълумотлар ва кундалик хотиралар ёзиб қолдирган⁸. М. Жўраев мамлакатимизнинг турли ҳудудларида эртакчилик мавжуд бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради⁹.

Ушбу диссертацион тадқиқот ўзбек фольклоршунослигидаги муаммоларни жаҳон фольклоршунослигида ўрин олган илмий натижалардан ўринли фойдаланиш орқали ўзбек халқ эртакчилик анъаналарининг ўзига хос хусусиятлари, эртакчиларнинг турлари ва эртак нашрлари таҳлилини тадқиқ қилишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот режаларига биноан Ф1-ФА 2012-1-8 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” (2012–2021) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек эртаклари, эртакчилик, эртак айтиш тартиби, профессионал эртакчилар, эртакчилик мактаблари, эртак ижросида бадиҳагўйлик, ижрочи ва тингловчилар муносабатининг эртакчилик анъаналари жараёнидаги ўрни, эртак ёзиб олиниши ҳамда эртак нашрлари билан боғлиқ масалаларни илмий асослашдан иборатдир.

⁵Буюк Каримий. Ўзбек халқ эртакларининг баъзи бир хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – №5-6. – Б.57-62; 1996. – №1. – Б.59-65. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 252 б; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 344 б; Жаҳонгиров Ғ. Болалар эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б; Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. Жўраев М., Расулова З. Миф, маросим ва эртак. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 20-190; Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240 б; Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 304 б; Дўстхўжаева Н.Н. Ўзбек сеҳрли эртакларининг структурал таҳлили: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1999. – 175 б; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида “ғаройиб буюмлар”: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. Назарова Ш.И. Ўзбек халқ эртакларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси. Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

⁶Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Тошкент: Фан, 1989.

⁷Муродов М. Ҳаётбахш хаёллар. — Тошкент.: Ёш гвардия, 1985.

⁸Хусайнова З. Эл ардоқлаган эртакчи. – Фольклор архиви. Инв.- (қўшимча манба).

⁹Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, 5-сон, Б. 32.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эртакчилик анъаналарининг назарий асослари ва манбаларини аниқлаш;
эртакчиликни юзага келтирган омиллар – эртак, эртакчи ва эртак нашрларини ўзаро алоқадорлигини бир кесимда ўрганиш;

ижро ва бадихагўйликни эртакчилик тараққиётидаги аҳамиятини тадқиқ этиш;

эртакчи шахсининг ижродаги ўрнини белгилаш ва эртакчиларни репертуар доираси ва бадиий маҳоратига кўра турларга ажратиш;

ўзбек халқ эртакларининг илк нашрларини ўзаро қиёслаш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

мавзулаштирилган эртак тўпламларини статистик таҳлил қилиш;

ўзбек халқ эртакларидаги анъанавийликнинг тематик таснифини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган эртакларнинг қўлёзма намуналари, ўзбек халқ эртакларининг турли йиллардаги нашрлари, эртакчилик ва эртак нашрларига тегишли илмий тадқиқотлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек эртакчилик анъаналари ва унинг ўзига хос белгилари, профессионал эртакчилар репертуари, бадихагўйлик ва анъананинг эртакчилик тараққиётидаги ўрни, эртак нашрларининг тарихий тақомили босқичларини ойдинлаштириш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий ҳамда этнофольклористик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек фольклоршунослигида эртакчилик анъаналарини тизимли ўрганиш асосида эртакчилик мактаблари ҳудудлар, етакчи вакиллар, ижро, репертуар ва мавзулар қамровида тасниф этилган ҳамда эртакчилик анъаналарида сўзнинг магик кучига ишонч ва табуга амал қилинганлиги аниқланган;

эртакчилик анъаналарининг шаклланиш жараёни ва тадрижий ривожини “эртак + эртакчи + эртакчилик = фольклор тармоғи”дан иборатлиги исботланган;

эртакчилик анъанасини давом эттирувчи муҳим субъект – эртакчи шахси, эртакчилар бадиий репертуарининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг роли, эртакчилар типлари аниқланган;

ўзбек халқ профессионал эртакчилари ҳаёти ва ижоди, эртак ижросидаги актёрлик маҳорати ва бадихагўйлиги масалалари ёритиш асосида эртакчилик анъаналарига ҳудудий-географик муҳит ўз таъсирини ўтказганлиги исботланган ҳамда Ўзбекистоннинг турли минтақаларида эртакчилик мактаблари шаклланиганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эртакшунослик йўналишидаги таянч манбалар, ўзбек ва чет эл тадқиқотчиларининг асарларидаги назарий қарашлар умумлаштирилиб, мавзу юзасидан тегишли илмий хулосаларга келинган;

Ўзбек эртакчилик анъаналари ва унинг ўзига хос белги, хусусиятлари ўрганилиб, бадиҳагўйлик ва анъананинг эртакчилик тараққиётидаги ўрни белгиланган;

эртак ижрочилигининг жонли оғзаки анъаналари сақланиб қолмаганлиги сабабли профессионал эртакчилар бадиҳагўйлиги фольклор архиви материаллари асосида ишлаб чиқилган;

Ўзбек халқ эртакларининг ёзиб олинishi, тўпланиши, нашр этилиши ва илмий тадқиқ этилишига доир манбалар яхлит тизим ҳолида жамланиши натижасида зарур илмий факт ва маълумотлар умумлаштирилган;

дастлабки эртак нашрлари тарихи ўрганилиб, матбуотда ва илк жамлама тўпламларда чоп этилган эртакларнинг матни қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган назарий ва амалий маълумотлар, илмий манбалар таҳлили асосида чиқарилган назарий умумлашмалар таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типология таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, эртаклар матнидаги анъанавийликни белгилашда ўзбек фольклорининг турли даврларига оид ишончли манбаларга таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар нафақат ўзбек фольклорининг поэтикасини тадқиқ этиш, балки унинг тарихий тараққиётида юз берган ўзгаришлар юзасидан ҳозиргача тўпланган маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, эртакчилик анъаналарининг ўзига хос белги ва хусусиятлари, профессионал эртакчилар репертуарининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири масалаларини ўрганиш эртакшунослик фанининг ривожланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эртакчилик анъаналарининг ўрганилиши, профессионал эртакчилар репертуари ҳақидаги қарашлар ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига, шунингдек, ўзбек фольклоршунослигида эртакшунослик йўналиши юзага келишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ эртакчилиги анъаналари ва эртак нашрларининг қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эртакчилик анъаналари ҳамда ижодкор эртакчилар бадиий маҳоратига доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ОТ-Ф1-76-сонли “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстология ўрганиш масалалари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1255-2458-сон маълумотномаси). Натижада “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлиги таркибидаги ўзбек халқ сеҳрли эртакларидан тузилган “Сув қизи” номли 17-жилд ҳамда таниқли ўзбек эртакчилари Абдуғафур Шукуров ҳамда Ҳазраткул Худойбердиевлардан ёзиб олинган эртаклар асосида тайёрланган “Тирноғи тилла қиз” (18-жилд) номли жилдларга доир илмий изоҳлар тайёрлаш,

хусусан, эртакчилар ҳақидаги биографик маълумотлар, уларнинг репертуаридаги эртакларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижрочилик маҳоратига доир таҳлилий материалларни такомиллаштиришга эришилган;

профессионал эртакчилар репертуарини шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар, илк эртак нашрларини чоп этилиш тарихига доир илмий хулосалардан “Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамиятини ривожлантириш, ўзаро таржимачиликни кенг йўлга қўйиш доирасида “Она юртим – Қирғизистон, Ўш” китобини нашрга тайёрлаб чоп этиш, Тошкент, Бишкек, Ўш шаҳарларида тақдимотларини ўтказиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (“Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамиятининг 2020 йил 17 сентябрдаги 60-01/108-сонли маълумотномаси). Натижада қадимда эртакчилик анъаналарининг шаклланишида географик ҳудуднинг ўрни кўрсатиб берилган;

Ўзбек халқ эртакчилиги ва профессионал эртакчилар репертуарини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma’rifat” телеканалининг “Боқий Наврўз” ва “Халқ дostonлари” кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 сентябридаги 01-16/86-сон маълумотномаси). Натижада халқ эртаклари ва эртакчиларни таълим-тарбиядаги аҳамиятини кенг тарғиб қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек халқ эртакчилиги анъаналари” деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи фасли “Эртакчилик анъаналарининг ўзига хос белги ва хусусиятлари” деб номланади. Унда эртакчилик анъаналарининг илмий-назарий ўрганилиши, юзага келиш омиллари тадқиқ қилинади. Хусусан, эртакчиликни юзага келтирувчи омиллар – эртак, эртакчи ва эртакчилик тармоғи қисмларга бўлиб ўрганилади. Ўзбек фольклоршунослигида эртакларнинг турлича таснифлари яратилган¹⁰. Биз тадқиқ этаётган масала эртак ижроси ва унинг ижодкорлари фаолиятини ўрганишдир.

Эртакда оламини билиш ва уни тинглаш орқали борлиқ ҳақидаги бадиий ифодаланган билимларни ҳиссий англаш бирламчи роль ўйнайди. Эртакда халқнинг ҳаётий ва тарихий тажрибалари, куйма хулосалари қисқа “тезис”ларда образлар воситасида – рамзий, тимсолий баён этилади.

Биз ўрганаётган тармоқ – эртакчилик соҳаси бўлгани сабаб юқоридаги фикр изоҳини қуйидаги системада ўрганилса, масала янада ойдинлашади.

Эртак + эртакчи + эртакчилик = фольклор тармоғи.

1. Эртак – негиз. Тармоқнинг асосий предмети.

2. Эртакчи – *-чи* “шуғулланувчи” маъносидаги от ясовчи қўшимча, яъни негиз англатган предмет ёки иш билан шуғулланувчи шахс отини ясайди.

3. Эртакчилик – *-лик* негиз англатган предмет ёки тушунча билан боғлиқ таълимот, илмий ва ижтимоий ҳодисалар системаси каби маънолардаги мавҳум от ясовчи қўшимчадир.

Энг аввало, асос сўзга тўхталсак. Эртак сўзининг қачон пайдо бўлганлигини аниқ кўрсатиш имконсиз бўлса-да, унинг қадимдан мавжудлиги маълум. “Эртак” атамаси қадимийлигини у Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “этук” тарзида қўлланилганидан билса бўлади: “Этук – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш” да ишлатилган¹¹. Бундан англашиладики, “эртак” сўзи негизда “айтиб бериш” маъноси ётади. Фитрат асарларида ҳам “эртак” деб келтирилади: “Эл адабиётидаги ҳикояларга эртак дейиладир. Эртак эл шоирларининг хаёллари ёрдами билан тузуладир”¹². Луғатлар ва илмий назарий адабиётларда “эртак” атамаси халқ оғзаки ижодининг эпик жанрига мансублиги, ижодий фантазия ва тўқимага асосланганлиги ҳақидаги фикрлар билан изоҳланади¹³. Фольклорнинг ушбу эпик жанри ҳақида барқарор илмий тушунча мавжудлиги учун тафсилотларга ортиқча тўхталмадик.

¹⁰Қаранг: Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – Б.120; Жалолов Ф. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.155; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.102; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – Б. 344.

¹¹Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк, 1 том, Тошкент, 1960.– Б.474.

¹²Фитрат. Адабиёт қондалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.85

¹³Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.375. Ўзбек фольклори очерклари. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 61. Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969.

Негиз англатган иш билан шуғулланувчи шахс – “эртакчи” шахси ҳақида комус ва илмий назарий адабиётларда турлича изоҳ ва тушунтиришлар мавжуд. “Византияда “мим”, арабларда “куссас”, Европада жонглёр, туркларда қиссахон ёки маддох, арманларда “ашут”, малайларда “тоғдаги тасалли” (penglipur-lara), ёқутларда “олонгхосут”, қозокларда ертекши, татарларда хикъятчи ва ўзбекларда эртакчи номини олган кишилар халқ ижодининг етук билимдонларидир¹⁴.

Асос сўз англатган тушунча билан боғлиқ таълимот – “эртакчилик” юзага келиши учун уч асосий шарт – эртак + ижрочи (эртакчи) + аудитория мавжудлиги талаб этилади. Санаб ўтилган бу омиллар эртакчилик ҳақидаги илмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Чунки “эртакчиликда эртак воқеаси билан оҳанг, ижрочининг ҳаракатлари ажралмас бирликни ташкил қилади”¹⁵.

Эртакчиликда, аввало, анъана ҳамда расм-русумнинг фарқини аниқлаштириб олиш зарур. Анъаналар бевосита ижро этилаётган эртакка нисбатан ишлатилса, “эртакчилик расм-русумлари” (А.Н.Афанасьев) ижрочи ва тингловчи билан узвий алоқадордир. Эртак уч қисм – инициал, медиал ва финалформулардан иборат бўлиши ҳисобга олинса, унинг азал-азалдан анъана доирасида мавжудлигини кўриш мумкин¹⁶.

XX аср бошларидаги халқ оғзаки ижоди материалларини йиғиш даврида кўплаб турли даражадаги эртакчилар аниқланган.

Эртак айтиш борасида эркак ва аёл ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, аксарият эртаклар асосан эркак эртакчилардан ёзиб олинган. Аммо аёллар ўртасида ҳам машҳур эртакчилар санокли бўлса-да мавжуд эди. “Аёллар эртакчилиги”, яъни эртак айтувчи аёллар атамаси 1932 йилда М.К.Азадовскийнинг эртаклар тўпламида илк бор истифода этилган.

Ю.М.Соколовнинг фикрича, фольклор анъаналарини сақлашда аёлларнинг маҳорати ва тажрибаси эркакларникига қараганда камроқ эди¹⁷. С.Савченко таъбирича, аёллар эртакчилиги фақат болалар давраси билан кифояланган¹⁸. Эркаклар эса катта ёшли тингловчиларга эртак айтишган. Бу борада М.К.Азадовскийнинг “Эртак дастлаб яратилганда болалар даражасида бўлмаган. Уларнинг бир қисми болалар аудиториясига мўлжалланган, холос. Эртакнинг асосий қисми катта тингловчилар учундир” деган фикри эртак айтиш дастлаб катталар орасида мавжуд бўлганини тасдиқлайди¹⁹.

Эртак ижросида аёллар кўпинча анъанадан чиқиб кетгани боис “профессионал” термини асосан эркакларга нисбатан ишлатилган. Бу хусусият эркаклар репертуарида оригинал эртаклар кўплиги ва тингловчилар аудиторияси кенглиги билан белгиланади.

Шуниси эътиборлики, қадимда барча фольклор жанрлари маросимдан холи бўлмаган. Буни фольклоршунос Т.Мирзаевнинг куйидаги фикрлари

¹⁴ Никифоров А.И. Русские народные сказки. – М.-Л.: 1930. – С. 22.

¹⁵ Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 133.

¹⁶ Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М.: Наука, 1974. – С.11.

¹⁷ Соколов Ю.М. Русский фольклор. – М.: 1941. – С.57.

¹⁸ Савченко С.В. Русская народная сказка: история собирания и изучения. – 1914. С. 29-31.

¹⁹ Русские сказочники. Из статьи Азадовский. – М.-Л.: Academia, 1932. – Том 1. – С. 9-90.

тасдиқлайди: “Эртак, дoston каби эпик жанрлар ҳам дастлаб маросим билан боғлиқ ҳолда яшаган. Улар махсус жойларда, белгиланган вақтда, маълум шароитда, муайян аудиторияда ўзига хос тарзда айтилган”²⁰. Ҳозирги кунда ҳам эртак айтиш вақтига доир тақиқнинг сақлангани юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Олимнинг фикрича, эртак ижроси билан боғлиқ талабларнинг аста-секин сусайиши жанрнинг маросим билан алоқаси йўқолишига сабаб бўлди.

Эртакларнинг сюжет тизими, анъанавий формулаларнинг қўлланилишига кўра, ҳудудий географик муҳитнинг ўзбек халқ эртакчилиги анъаналарига таъсирини ўрганиш мумкин. Эртаклар поэтикасида ҳам ҳудудлардаги ўзига хослик кўзга ташланади. Масалан, Фарғона водийси эртакларининг зачин қисми сўзлар ва товушларнинг тақлидга мойиллиги, жарангдорлик, мусиқийлик ва ҳиссиётга бойлиги каби хусусиятлари билан ажралиб турса, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида кўпинча зачин жуда қисқа жумлалардан иборат бўлади. Фольклоршунос олим М.Жўраевнинг “Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос эртакчилик мактаблари бўлган. Уларда устоз-шогирд анъаналари асрлар оша ривожланиб келган. Устоз шогирдини эртак айтиш санъатининг нозик қирралари билан таништириб, унга эртак ижрочилигининг сир-синоатларидан махсус сабоқ берган” деган фикрига асосланиб, эртакчилар репертуарини ҳудудий-географик нуқтаи назардан ўрганиш муҳимлигини, воҳа ҳамда водийда эртакчилик анъаналари турлича эканлигини ва бу ўз навбатида қадимда эртакчилик мактаблари мавжуд бўлганини айтишимиз мумкин²¹.

Биринчи бобнинг “*Ижро ва бадиҳагўйликнинг эртакчилик тараққиётидаги ўрни*” деб номланган иккинчи фасли эртак ижроси ва эртакчиликни ривожланишида бадиҳагўйликни аҳамиятига бағишланган.

Фольклорнинг аксарият жанрлари ижро маҳорати билан боғлиқ бўлгани сабаб ҳар бир жанрни ижрочилик ва ижодкорлик нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин. Ижрочининг ижодий импровизацияси ҳамда жонли ижрода намоён бўлувчи барча жараёнлар мавжуд материалнинг таъсир кучини оширади.

Академик Т.Мирзаевнинг “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” номли монографиясида ўзбек халқ бадиҳагўйлик санъати ҳақида сўз боради: “Одатда импровизация деганда, кўп ҳолларда илгари тайёргарлиги бўлмаган, лекин шеърӣ таъб ва чечанликда қуввати бор кишиларнинг бирданига, тўсатдан, экспромт йўли билан айтган бадиҳалари тушунилади. Бундай қараш жуда ҳам бир томонламандир. Чунки ҳар қандай импровизация пухта тайёргарлик, юксак профессионал таълим билан боғлиқ...”²².

Энг аввало, “ижрочилик” ва “ижодкорлик” атамаларининг туб моҳиятини, уларнинг бир-бирига муносабати ва фарқларини англаб олиш зарур. “Ижро” ва “ижод” сўзлари моҳият эътиборига кўра кўп соҳаларда

²⁰Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 10.

²¹Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, №5. – Б. 32.

²²Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 61.

қўлланади. Бирор вазифанинг бажарилиши – “ ижро”, яратиш жараёни – “ижод” атамалари билан ифодаланади. Ижод – арабча сўз бўлиб, “яратиш”, “вужудга келтириш”, “асар яратиш” каби маъноларни англатади. Поэтик ижод, бадий ижод, халқ ижоди, ижодий лаборатория каби бирикмаларда яратишнинг турли қирралари “ижод” изоҳи билан берилиши ҳам буни тўла тасдиқлайди.

Ижрочилик ҳар қандай фольклор жанрининг жонли яшаши учун асосий манбадир. Фольклор ижрочилиги эса, ўз навбатида, анъаналарга асосланади. Ижодкорлик ижрочиликни ўз ичига қамраб олади. Ижрочининг маҳорати, тажрибаси ва билими уни ижодкор даражасига кўтаради. Ижрочи маҳорати ижро давомида шаклланиб боради.

Эртакчининг ўзи айтаётган эртакка ижодий муносабати эртакларда турфа вариантликни юзага келтиради. Бир эртак доирасидаги турли вариантликни халқ эртакчилари – Нурали Нурмат ўғли ҳамда Абдуғофур Шукуровлар ижро этган “Қирқ ёлғон” эртаги мисолида кузатиш мумкин. Нурали Нурмат ўғлининг “ёлғон”и: “Бор экан, йўқ экан, бир катта тўқай бор экан. Бу тўқайнинг ичида на чўп ва на гиёҳдан асар бор экан. У тўқайнинг ичида учта мерган, топганини бир-бирига берган, тўкилиб қолса терган, қулочини керган экан... Улар суви йўқ ариқдан балиқ овлашиб, ўт ёқмасдан балиқни пиширишиб, уни емасдан лунжини иширишиб, маслаҳатни бир жойга қўйишган экан. “Учаламиз экилмаган толнинг тагида учрашайлик”, деб уч томонга йўл олишибди...” дея тасвирланса²³, А.Шукуровда “Онадан битта эдик, ўла-ўла учта бўлдик. Учовимиз ҳам ялонғоч кетиб эдик, уч ариқча чикди, иккитаси куп-куруқ, биттасининг суви йўқ. Учта балиқ ушладик, иккитаси ўлигу биттасининг жони йўқ. Уччовимиз бир уйга кириб балиқларни қовуриб едик, эшикдан кириб, тешикдан чиқиб кетдик...” дея баён этилади²⁴. Эътибор берилса, иккала эртакчи репертуарида ҳам “уч киши, уч ариқ, уч балиқ” билан боғлиқ сюжетлар сақланган, аммо ифодавий услубда индивидуаллик кўзга ташланади. Ижодкор эртакчилар “Қирқ ёлғон” атрофида жамлаган эпизод ва мотивларни бир-бирига қиёслаб илғаб олишимиз мумкин.

Профессионал эртакчилар репертуарининг бойлиги, ижро жараёнида актёрлик маҳоратини намойиш эта олиши; овоз, мимика, тана ҳаракатларини уйғунлаштириш орқали томошабин диққатини ўзига қаратиши, эртак ғоясини жонли, руҳий тетиклик, завқ-шавқ ва ҳиссиёт билан бошқаларга юктириши, аудитория билан узвий мулоқот ўрнатишига кўра ижрочи эртакчилардан фарқ қилади. Аудиторияни ҳис қилиш, ижрода чин ижодкорга айланиш профессионал эртакчиларга хосдир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Профессионал эртакчилик ва эртакчи репертуари**” деб номланган бўлиб, биринчи фасли “*Эртакчилар ижоди ва бадий маҳорати*”га бағишланади. Эртакчиликда асосий субъект –

²³“Луқмону ҳаким”. Тошкент: 1990. – Б. 91.

²⁴“Кулса – гул, йиғласа – дур”.– Тошкент: 1983. – Б. 296

эртакчи шахси ва унинг тур – гуруҳларини ўрганиш ушбу бобнинг асосини ташкил қилади.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ эртаклари поэтикасини тадқиқ этган олим К.Имомов “эртакчи шахсининг ижодкор сифатида илк пайдо бўлиши ўтмиш билан боғлиқ шарт-шароит ва реал воқеликка муносабатдан бошлангани, эртакчининг шаклланишида шомонлик, қабила ёки уруғга мансуб сўзамол, доно оқсоқолларнинг таъсири кучли бўлган”ини таъкидлайди²⁵. Иқтибосдан англашиладики, эртакчи шахсининг шаклланишида сўзнинг магик кучига бўлган ишонч асосий ўрин эгаллайди.

Халқ ижоди намуналарини унинг ижрочилари, ижодкорлари кесимида ўрганиш фольклоршуносликдаги муҳим муаммолардан бири эканини уқтирган Б.Каримий ўз тадқиқотида бундай ёзади: “Халқ бадиий ижодини ташиб юрувчилар, шулар орасида эртакчилар ҳам эшитганларини, ўрганганларини куруқдан-куруқ, механик равишда айтиб берувчилар эмас, балки эшитган эртакларининг сюжетини ўзига ўзлаштирган, уни уққан, бадиий ҳаяжон билан айтувчи авторлардир”²⁶. Иқтибосдан англашиладики, эртакчи ҳеч қачон эртакни бир хил маромда ёки ҳиссиз оҳангда ижро этмайди. У аввал эшитган ёки устозидан ўрганган эртакни ижро қилар экан, одатда, чечанлик маҳоратини қўллаб, керакли сўзларни ўрни-ўрнида ишлатган, профессионал ижодкор сифатида майдонга чиққан. У энди оддий ижрочи эмас, у анъаналардан четга чиқмаган ҳолда, ўз услубини ярата олган ижодкордир. Бизнингча, эртакчи шахси хаёлий уйдирмани ҳаётий борлиққа ўтказувчи трансформатор бўлиб, у ижро жараёнида биз билган, таниган шахс эмас, балки эртак қаҳрамонларидан бирига айланади.

Фольклоршуносликда ижрочиларни, хусусан, эртакчиларни типларга ажратиш уларнинг ижодини изчил ўрганишга ёрдам беради. Эртакчиларни турларга ажратиш муайян белгилар билан боғлиқ бўлиб, аниқланган белгилар ижрочининг қайси типга мансублигини кўрсатади.

А.И.Никифоров эртакчиларни таснифлашда ҳудудий факторлар ҳамда шахсдаги хусусийликка алоҳида эътибор қаратган бўлса, И.В.Карнаухова ижродаги импровизацияни етакчи унсур ҳисоблаб, эртакчиларни ижро маҳоратига кўра турларга бўлади. Б.М.Соколов эртакчиларнинг репертуарига, улар ижросида қайси мавзулар етакчи ўрин эгаллашига урғу беради.

Бизнингча, ижрочиларни типларга ажратишдаги энг асосий жиҳат – эртакчи репертуарига эътибор қаратишдир. Бундай шароитда тадқиқотчидан аввало ижро этилаётган эртак жанрини аниқлаш талаб қилинади. Эртакчи репертуарида унинг касб-кори, ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит яққол кўзга ташланадики, мавжуд материаллар таҳлилидан ижрочининг қайси типга мансублигини аниқлаш мумкин. Бир сўз билан айтганда, эртакчи репертуари унинг ижрочиси ҳаёт йўлини кўзгудагидек акс эттиради. Бироқ бир ижрочи репертуарида турфа мавзу – ҳам сеҳрли, ҳам маиший, ҳам ҳайвонлар

²⁵Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 123.

²⁶Ўша асар.– Б. 31.

хақидаги эртақлар учраши мумкин. Бундай “универсал”, уста эртақчиларни эса, одатда, профессионал эртақчилар дейилади. Бу нисбат уларнинг дунёқараши кенглиги, анъаналарга содиқлиги, ижро усуллари хилма-хиллиги билан боғлиқ.

Ўзбек халқ эртақларининг 1960 йилда чоп этилган икки жилдликка киритилган эртақлар Андижон, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразмда яшаган истеъдодли эртақчилардан ёзиб олингани билан аҳамиятлидир. Эртақлар ялпи йиғиб олинган даврларда кўплаб ёзиб олувчилар ижрочи шахси ва эртақ жанрига аҳамият бермаганлар. Экспедиция уюштирилган жойлардангина эртақлар ёзиб олинган.

Ушбу тўплам 1960 йилгача нашр этилганларига нисбатан бирмунча мукамал бўлиб, фольклоршунос-мутахассислар томонидан ёзиб олингани билан фарқланиб туради. Икки жилдликка киритилган жами 196 та эртақ ижодкор ва оддий ижрочи эртақчилар репертуари маҳсулидир.

Тўпламдаги эртақлар таҳлил қилинганда аёл ва эркак ижрочилар томонидан ёзиб олинган эртақлар матни ўртасидаги фарқни сезиш мумкин. Аёл ижрочилар репертуарида аксарият ҳайвонлар ва маиший мавзудаги эртақлар учраса, эркак эртақчилар ижодида сеҳрли мавзудаги эртақлар этакчилик қилади.

Эртақчилик соҳасидаги кузатишлар ижодкор эртақчиларнинг махсус типлари мавжуд бўлганини кўрсатади:

1. Классик эртақчилар;
2. Ҳажвчи эртақчилар;
3. Қиссахон эртақчилар.

Эртақчилар типларга ажратилса-да, ҳар бир ижрочи аҳамият бериши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд:

- аудиториянинг ёш хусусиятларига қараб репертуар танлаш;
- тингловчи диққатини тортиш учун бошлама (зачин)га урғу бериш;
- эртақни оҳанг, кўз, қўл, гавда ҳаракатлари билан ижро этиши зарур.

Аудитория ёши ва талабига кўра, эртақ мавзусининг танланиши профессионал ижрочи учун ҳам, оддий ижрочи учун ҳам бир хил амал қилади. Кейинги икки жиҳат асосан профессионалларга тааллуқли. Моҳир эртақчининг бадиий маҳорати аввало кириш қисмида кўринади. Қолаверса, зачинлар тингловчилар диққатини жамлаб, уларни эртақ эшитишга ҳозирловчи муҳим элементдир.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Профессионал эртақчилар репертуари*” деб номланиб, ушбу фаслда фольклоршунослик фани нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган бир неча масала – профессионал эртақчиларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, ижодкорлар репертуарини шаклланишига таъсир қилган шароит ва ташқи омиллар, эртақчилик анъанасига мансуб ижро услуби, тил хусусиятлари, эртақчилар ижодидаги инициал ва финал формулалар тадқиқ қилинади.

Ўзбек халқ эртақчилиқ соҳасига ўз репертуари билан муносиб ҳисса қўшган профессионал халқ эртақчилари – Нурали Нурмат ўғли ҳамда Абдуғофур Шукуровлар ижодини қиёсий ўрганишни мақсад қилиб олдиқ.

“Ўзбек халқ оғзаки ижоди” туркумида бир эртақчи ижодига бағишланган икки тўплам чоп этилган бўлиб, бири – Нурали Нурмат ўғли репертуари асосида тузилган ҳамда маиший эртақлар йиғилган “Луқмони ҳаким” бўлса, иккинчиси – Абдуғофур Шукуров репертуари эгаллаган, сеҳрли эртақлар жамланган “Кулса – гул, йиғласа - дур” тўпламидир.

“Ўзбек халқ оғзаки ижоди” туркумидан Нурали Нурмат ўғли репертуари асосида 1990 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган “Луқмони ҳаким” тўпламига эртақлар, латифалар, Машраб ҳақидаги халқ ривоятлари, халқ кўғирчоқ театри намуналаридан иборат жами 63 та оғзаки ижод асарлари киритилган бўлиб, шулардан 53 тасини маиший эртақлар ташкил қилади. Кузатишлардан маълум бўлишича, Н.Нурмат ўғли кўпроқ маиший ва ҳажвий мазмундаги эртақлар айтишга мутахассислашган. Маиший эртақларнинг асосий белгиси ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг аҳоли турмуш тарзига ўта яқинлигидир. “Луқмони ҳаким” тўпламидаги эртақларнинг аксари маиший ва ҳажвий мазмундаги эртақлардир.

Нурали Нурмат ўғли эртақларининг тили – жонли халқ тилидир. У мақолларга, турли қочиримларга, бадий тасвир воситаларига бой. Улар аниқ мазмунга эга. Ана шунинг учун ҳам маиший эртақлардаги жой номлари ва киши исмлари эртақнинг ҳаётийлигини таъминлашга ва уни бошқа тур эртақлардан фарқлашга хизмат қилади. Мисол учун, жой номлари: Қўқон, Тарғоқ қишлоқ, Орази қишлоқ, Бухоро, Қоракўл, Янги қишлоқ, Наманган, Тошкент, Тожик қишлоқ ва ҳоказо.

Қўқонлик эртақчи Н.Нурмат ўғли репертуарига асосланиб, уни маиший эртақлар устаси бўлган, дея оламиз. Бунинг сабаби, аввало, эртақчи яшаган муҳит кишиларининг ана шу типдаги эртақларга бўлган эҳтиёжидир. Оғир турмуш тарзи ҳаётдаги кам-кўстлар устидан кулишга, шу билан чалғишга ундаган. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, эртақчининг эгаллаган касб-кори, хунари унинг репертуарига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки Нурали Нурмат ўғли ҳам қизиқчи, ҳам кўғирчоқ ўйнатувчи, ҳам аскиячи бўлган. Шу сабабли унинг эртақларида ҳажв, кулги, юмор устунлик қилади.

Шунингдек, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” туркумидан 1983 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган фольклоршунослар Зубайда Хусаинова ва Баҳодир Саримсоқовлар нашрга тайёрлаган “Кулса – гул, йиғласа – дур” тўплами халқ эртақчиси Абдуғофур Шукуров репертуари асосида тузилган бўлиб, тўплам ўзига хос хусусиятга эга. Бу ўзига хослик унинг репертуари фақат сеҳрли эртақлардан иборат эканлиги билан белгиланади. “Тўпламдаги айрим эртақларнинг асоси китобий манбаларга бориб тақалади. Бироқ бундай сюжетлар кўп вақтлар оғзаки ҳолда эртақчилар доирасида кенг тарқалиши, бир неча авлодлар томонидан қайта-қайта айтилиши туфайли ўзининг дастлабки манбалари – қисса ва ҳикоятдан узоқлашиб, структура жиҳатидан

эртак жанрига тўла бўйсунган”²⁷. Тўпламга эртакчи репертуарига мансуб 17 та сеҳрли-фантастик эртаклар киритилган.

А.Шукуров репертуаридаги эртаклар матнини тадқиқ қилар эканмиз, унда шевага хос сўзлар билан бир қаторда, бугунги кунимиз учун қадимий бўлган, маъноси ўзгарган ёки унутилган архаик сўзларни ҳам кўплаб учратамиз. Сеҳрли эртаклар ижодкори А.Шукуров репертуаридаги ҳеч бир тасвир бир-бирини такрорламайди. Унинг ҳар бир эртаги ўзига хос сюжетга эга бўлса-да, инициал формулалари деярли бир хил. Эртакчи ҳар бир эртагини “Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим замонда...” деган ихчам ва қисқа зачин билан бошлайди. Тўпламдаги сеҳрли эртаклар ҳажман кенг, кўп сюжетли бўлиб, қаҳрамонлари асосан подшо, малика ва бой кишилардир. Эртак тугалламаси ҳам барча эртакда деярли бир хил: “Биз ҳам етайлик муродга, сизлар ҳам етинглар муродга, ёмон қолсин уятга”. Бундай бир хил бошлама ва яқунламани эртакчининг ўзига хос рамзий имзоси дейиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби “**Эртак нашрлари тарихи ва таракқиёти**” деб номланиб, биринчи фасли “*Ўзбек халқ эртакларининг нашр этилиши тарихи*”га бағишланади.

Диссертация ишининг ушбу фаслида нашр этилган ўзбек халқ эртаклари тўпламларини уч йўналишда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1. Дастлаб нашр этилган эртак тўпламларини ўрганиш;
2. Тўпламларни бир эртакчи репертуарига асосланганлигини ўрганиш;
3. Мавзулаштирилган эртак тўпламларини ўрганиш.

Биринчи йўналиш бўйича ўзбек халқ эртакларининг илк тўпламлари ўрганиб чиқилди. Ўзбек тилида чоп этилган дастлабки эртак тўплами 1939 йил фольклошунос Буюк Каримов томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, 30 минг нусхада чоп этилган. Б.Каримов тўпламни нашр этишда ҳозирги ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви материалларидан фойдаланган. Тўпламга жами 21 та эртак киритилган бўлиб, эртакчилар ҳақида маълумотлар йўқ.

Ўзбек фольклори намуналарини йиғиш ва ёзиб олишда нафақат маҳаллий аҳоли, балки рус олимлари, сайёҳлари ва шўро ҳукуматининг расмий вакиллари ҳам салмоқли иш қилдилар. Н.П.Остроумовнинг 1892 йилда Тошкентда чоп этилган “Сарты. Этнографические материалы” номли китобида ўзбек халқ эртакларининг рус тилидаги илк тўпамини учратиш мумкин. Китобнинг “Народные сказки сартов” бўлимида 26 та ўзбек халқ эртаклари рус тилида тўпламга киритилган.

